

## ЯШИЛ МОЛИЯ ВА ИСЛОМ МОЛИЯСИНИНГ ЎХШАШЛИКЛАРИ ВА ЯШИЛ СУКУК АМАЛИЁТИ

*Умиджон Ёркулов*

*Тошкент Давлат Иқтисодий Университети докторанти,*

*IFAAS (Islamic Finance Advisory and Assurance Services)*

*консалтинг фирмаси консултанти*

Ислом молияси амалиётлари хозирда оммабоп бўлаётган Яшил молия амалиётларига бир неча жihatларда ўхшаб кетади. Қуйида ушбу икки йўналишларнинг баъзи ўхшаш жihatларини кўриб чиқишга интиламиз ҳамда замонавий амалиётда бу икки тизимни бирлаштирган молиявий махсулот Яшил Сукук бўйича амалиётларни ўрганиб чиқамиз.

Аввало, Ислом молияси ҳам Яшил молия ҳам – бу фақатгина молия ҳақида эмас, энг қизиғи, ҳатто молиявий муомала билан шуғулланаётганилганда ҳам. Ушбу соҳалар Молия ва бойликка нисбатан ўзгача ёндашувларни тарбия қилишга интилади. Хусусан, Ислом Молиясида фундаментал равишда молиявий фаолият ва тадбиркорлик манфаат олиб келиши ва фаровонликка олиб бориши зарур. Шахсий, оммавий, иқтисодий, ижтимоий зарарга олиб келувчи фаолиятларга хисса қўшиш маън этилади. Шул сабабдан, Ислом молиясида бир қатор соҳаларни молиялаштириш ва ресурслар исрофи билан шуғулланиш таъқиқланади [1].

Анъанавий молияда ҳар қандай фаолият тури, ҳар қандай хошиш, истак ва инжиқликларни молиялаштириш мумкин. Айнан ушбу феноменни қисман бўлсада чегаралаш учун сўнгги йилларда Яшил молия, Барқарор молия, Атроф-муҳит, ижтимоий ва бошқарув (ИСЖ) тизими тушунчалари ривож топди. Яшил молия ташаббуслари анъанавий молиявий операциялар оқибатлари экологик нуқтаи назардан ижобий бўлишини, атроф муҳитга зарар етказишни, эко-лойихаларни амалга

оширилишини кўллаб қувватлашни тарғиб қилади. ИСЖ тизими эса инглиз тилида атроф-муҳит, ижтимоий ва бошқарув сўзлари бош харфларидан ташкил топгандир ва нафақат экология, балки бизнеснинг барқарорлик ва этикага оид хатти-ҳаракатларини ўлчайдиган яхлит тизим сифатида шаклланишга интилмоқда. ИСЖ мезонлари бизнеснинг ижтимоий масъулият ва жавобгарликка дохиллик билан таъминлашга интилади, бу эса замонавий акциядорлар ва потенциал инвесторларнинг манфаатларига мос келади [2].

Ўз навбатида, Ислом Молиясининг мақсади – реал қийматни вужудга келтириш, кўпайтириш. Ушбу қиймат жамиятни ривожига олиб келувчи ва жамиятдаги бойликларни адолатли тақсимлаш ва қайта тақсимлашга, зарарларни бартараф этишга хизмат қилувчи қийматдир. Хусусан, Ислом молияси Шариат қойидаларига мувофиқ равишда иқтисодиёт барқарорлигига, жамият ва ўзаро ҳамкорлик ривож топишига, ҳар бир одам муносиб турмуш даражасига эга бўлишига, баҳиллик, инсоният эксплуатацияси ва зўравонликка асосланган ҳукмронлик йўқолишини тарғиб қилади. Ислом молияси бу молиявий муомалалар воситасида Яратган Зотни таниш йўлидир [3]. Шундай қилиб, кўришимиз мумкинки Ислом молияси ҳозирда оммабоп бўлаётган Атроф-муҳит, ижтимоий ва бошқарув (ИСЖ) тизимининг бир неча мақсадлари билан туташдир, бир хилдир.

#### ИСЖ ва Сукук

Атроф-муҳит, ижтимоий ва бошқарув тизими Сукук ҳолатида Сукук эмитентининг ёки Сукук активларининг Масъулиятли Инвестиция Тамойилларига (Принциплес оф Респонсибле Инвестинг) ва Шариатга мувофиқ қиймат ҳосил қилиш салоҳиятига таъсир қилувчи Атроф-муҳитга оид, Ижтимоий ва Корпоратив омилларининг кенг доирасини назарда тутати, билдиради [4].

Масъулиятли Инвестиция Тамойиллари – бу глобал ташаббус ҳисобланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан жорий қилинган. Улар бта тамойиллардан иборат бўлиб, инвесторлар, активлар бошқарувчилари, Сукук эмитентлари (Исломий

молиялаштириш ҳолатида) ва бошқаларни активларнинг тақсимоли ҳамда лойиҳанинг инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш ва қарорларини қабул қилишда ИСЖ мақсадларини интеграция қилишга ёрдам бериш учун жорий этилгандир [5].

ИСЖ мезонларини ҳисобга олган ҳолда манфаатдор томонлар, шу жумладан инвесторлар, Сукук эмитенти/лоийҳаси/активлари билан боғлиқ бизнес операцияларнинг кенгроқ таъсирини ўлчашлари ва уларнинг барқарорлигини баҳолашлари мумкин.

Қуйидаги учта ИСЖ компоненти Сукук эмитенти/лоийҳаси/активлари билан боғлиқ бизнес фаолиятини у фаолият юритаётган атроф-муҳит ва жамиятга нисбатан тавсифлайди:

о Экологик компонент - маълум заҳарли чиқиндилар миқдори, энергия ва табиий ресурслар истеъмоли даражаларини ўлчаш орқали (масалан, сув истеъмоли, сарфи) бизнес фаолиятининг биологик хилма-хилликка, табиий ресурсларга ва табиий муҳитга таъсирини аниқлайди.

о Ижтимоий компонент - бизнес ва жамият ўртасидаги алоқаларни ўрганади. Бу бизнеснинг ўз ходимлари ва унинг атрофидаги маҳаллий ҳамжамиятларнинг ҳаёти ва фаровонлигига қандай таъсир қилишини кўриб чиқади. Соғлиқни сақлаш, таълим, тенглик, ходимлар саломатлиги ва хавфсизлиги, жамиятни қўллаб-қувватлаш ва бошқа масалалар ижтимоий компонентнинг бир қисмидир.

о Бошқарув компоненти - корxonанинг ички тузилиши, унинг назорат механизмлари, корпоратив маданият, корпоратив ҳисобот тизимлари, аудит ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқлик каби жиҳатларни ўз ичига олади. Корxonалар манфаатдор томонларнинг талабларини қондириш ва барқарорликка эришиш учун адолатли, ахлоқий ва шаффоф корпоратив бошқарувни жорий этиш йўлида ишлашлари керак.

Ахлоқий ва маълум молиявий рискларнинг олдини олиш мақсадларда, тобора сони ортиб бораётган инвесторлар ИСЖ бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган Сукук эмитентини/лоийҳаларини/активларини қидирмоқда, танламоқда. Ушбу

инвесторлар қийматли таъсирга қаттиқ эътибор берадилар ва тегишли ИСЖ амалиётларининг мавжуд эмаслиги узоқ муддатли қийматли таъсир салоҳиятининг етишмаслиги сифатида қабул қилишади [6]. Бундан келиб чиқадики Сукук эмиссиялар ИСЖ Сукук сифатида бозорга чиқарилганда уларнинг маблағ жалб қилиши енгиллашиши мумкин. Ушбу амалиёт ўз навбатида Сукук эмиссия қилувчиларга мусулмон бўлмаган инвесторлардан маблағ жалб қилишга кўмаклашиши мумкин.

Сукук бўйича йўриқномага кўра, ИСЖнинг бизнесга интеграциялашувининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- о Инвестициялар ва қўшимча капитални жалб қилиш.
- о Янги бозорни кенгайтириш имкониятлари.
- о Шаффофлик, яхши обрў(репутация) ва ишончни ошириш.
- о Ривожланаётган глобал дастурларга ва манфаатдор томонларнинг кутилмаларига янада самарали мослашиш.
- о Кучайиб бораётган Норматив талабларга яхшироқ риоя қилиш.
- о Рақобат устунлиги.

ИСЖ бўйича ҳисобот

ИСЖ бўйича ҳисобот шаффофликни оширади ва пайдо бўладиган риск ва имкониятларни ўз вақтида бошқаришга ёрдам беради. Мослашувчан ва манфаатдор томонлар ниятларини эътиборга олган ИСЖ кўрсаткичлари қийин даврларда барқарорликни таъминлаш ва Сукук эмитенти/лойиҳаси/активлари ижобий таъсирга эришиш билан бирга узоқ муддатли қийматли таъсир ҳосил қилаётганига манфаатдор томонларни, ҳусусан инвесторларни, ишонтириш учун кучли восита сифатида қаралади. Бунинг учун албатта мувофиқ методологиялар ишлаб чиқилиши, қўлланилиши керак. Сукук эмитентлари турли қонунчиликларда ИСЖ маълумотларини мазмунли таққослаш имконини берадиган изчил ва глобал тан олинган методологиялардан фойдаланишлари керак.

## ИСЖ бўйича Сукук эмиссиясининг мисоли

2021-йил сентябрь ойида "Kuveyt Finance House" компаниясига тегишли бўлган Туркиянинг етакчи иштирокчи банкларидан бири бўлган "Кувейт Турк Катилим Банкаси А.С." Ирландия фонд биржасида 2031 йилда тугайдиган 350 миллион долларлик барқарор Сукукни чиқарди. Ушбу Сукук эмиссияси Инвестивий Вакала инструментига асосланган эди. Юқорида айтиб ўтилган Сукукдан тушган маблағлар "Кувейт Турк Катилим Банкаси" банкининг яшил ва/ёки ижтимоий лойиҳаларини молиялаштириш ва/ёки қайта молиялаштириш учун банкнинг Барқарор Молия Тизими доирасида фойдаланилади. ИСЖ Сукукка бўлган талаб ушбу эмиссия учун 4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги таклифлар билан эмиссия қилинган суммадан 12 мартадан ортиқроқ бўлганлиги билан яққол намоён бўлди [7].

### Яшил Сукук

Яшил Сукук - бу ИСЖ Сукукнинг тури бўлиб, унда эмитентлар тушумларни фақат иқлим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш лойиҳалари ва активларида сарф этадилар. Яшил Сукук доирасида тўпланган маблағлар атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, энергияни тежаш, қайта тикланадиган технологияларни тарғиб қилиш, иссиқхона газлари эмиссияларини камайтириш ва иқлим ўзгаришини юмшатиш ва ўзгаришларга мослашиш лойиҳаларини молиялаштириш учун сарфланиши мумкин.

Яшил молия лойиҳаларининг асосий тоифаларига қуйидагилар киради:

- Қайта тикланадиган энергия.
- Энергия самарадорлиги.
- Ифлосланишнинг олдини олиш ва назорат қилиш.
- Тирик табиий ресурслар ва ердан фойдаланишни экологик жиҳатдан барқарор бошқариш.
- Куруклик ва сувдаги биологик хилма-хилликни сақлаш.
- Тоза транспорт.

- Барқарор сув ва оқава сувларни бошқариш.
- Иқлим ўзгаришини юмшатиш ва мослашиш.
- Экологик самарали ва айланма иқтисодиётга мослаштирилган маҳсулотлар, ишлаб чиқариш
- Минтақавий, миллий ва ёки халқаро миқёсда тан олинган стандартларга жавоб берадиган яшил бинолар [8].

#### Яшил Сукук бозори

Яшил Сукук асосан Ҳукуматлар ва мултилатерал Ривожланиш Институтлари томонидан чиқарилади. Бу қисман аксарият мусулмон давлатлари 2015-йилда Иқлим ўзгариши бўйича Париж келишувини имзолаганлиги туфайли ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадларини (БРМ) доирасида эмиссиянинг аниқ нол кўрсаткичларига мувофиқдир.

2021 йил ҳолатига кўра, 2017 йилда бозор бошланганидан бери тахминан 20 миллиард АҚШ долларига тенг Яшил Сукук чиқарилган.

#### Яшил Сукук эмиссиясининг мисоли

2019-йил ноябрь ойида Ислом Тараққиёт Банки(ИТБ) ИТБга аъзо мамлакатлардаги яшил лойиҳалар учун маблағлардан фойдаланиш мақсадида инновацион Яшил молиялаштириш тизимини муваффақиятли жорий этди ва ўша йили 1 миллиард евро йиғиб, Яшил Сукукни чиқарган биринчи ААА даражасидаги мултилатерал институтга айланди. Юқорида қайд этилган ИТБнинг “Яшил Сукук” дебюти доирасида тўпланган маблағлар қайта тикланадиган энергия манбалари, тоза транспорт, энергия самарадорлиги, ифлосланишнинг олдини олиш ва назорат қилиш, оқава сувларни бошқариш ва ҳоказолар бўйича 57 та аъзо давлатда ИТБ лойиҳаларини молиялаштириш ва ёки қайта молиялаштириш учун фойдаланилмоқда [9].

#### Манбаалар:

[1] Хондамир Нусратхўжаев. 2022. ААОИФИ аъзоси. Ислом молияси бўйича эксперт. Ислом молиясига кириш курси. Курс сайти: <https://mufeed.uz/>

- [2] Climatepartner.com. 2024. Атроф-мухит, ижтимоий, корпоратив бошқарув тизими. Онлайн ресурс. <https://www.climatepartner.com/en/knowledge/glossary/environmental-social-governance-esg> (Кирилган: 07.02.2024)
- [3] Хондамир Нусратхўжаев. 2022. ААОIFI аъзоси. Ислом молияси бўйича эксперт. Ислом молиясига кириш курси. Курс сайти: <https://mufeed.uz/>
- [4] Остона Ҳалқаро Молия Маркази. 2023 Сукук бўйича йўриқнома. Онлайн ресурс. [https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес\\_V1.пдф](https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес_V1.пдф)
- [5]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Масъулиятли Инвестиция Тамойиллари. 2024. Масъулиятли Инвестиция Тамойиллари бу нима? Онлайн ресурс <https://www.unpri.org/about-us/what-are-the-principles-for-responsible-investment> (Кирилган: 07.02.2024)
- [6] Остона Ҳалқаро Молия Маркази. 2023 Сукук бўйича йўриқнома. Онлайн ресурс. [https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес\\_V1.пдф](https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес_V1.пдф)
- [7] islamicmarkets.com. 2024. Қувайт Турк банки 350 миллион АҚШ долларига биринчи барқарор Сукук чиқарди. Онлайн ресурс ( <https://islamicmarkets.com/articles/kuveyt-turk-issues-landmark-usd-350-million-sustainability-tier-2>). (Кирилган: 07.02.2024)
- [8] Остона Ҳалқаро Молия Маркази. 2023 Сукук бўйича йўриқнома. Онлайн ресурс. [https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес\\_V1.пдф](https://aifc.kz/uploads/Islamic%20Финансе/Сукук%20Гуиделинес_V1.пдф)
- [9] isdb.org. 2024. Биринчи Яшил Сукук бўйича ҳисобот. Онлайн ресурс [https://www.isdb.org/sites/default/files/media/documents/2021-01/Annual%20Impact%20Report%20on%20IsDB%20Debut%20Green%20Sukuk%20%28Dec%202020%29\\_0.pdf](https://www.isdb.org/sites/default/files/media/documents/2021-01/Annual%20Impact%20Report%20on%20IsDB%20Debut%20Green%20Sukuk%20%28Dec%202020%29_0.pdf) (Кирилган: 07.02.2024)